

ЎРТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ

Муродбеков Бобур Нурбекович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0003-2831-0529

Bobur.murodbekov_707@mail.ru

Аннотация. Уишу мақолада Ўзбекистон ва айрим хорижий давлатларда ўрта тадбиркорлик тушунчаси, ўрта тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиши бўйича халқаро тажрибалар, меъёрлар ва механизмлар ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: ўрта тадбиркорлик субъектлари, ўрта бизнес, тоифа, мезон, солиқ, хўжалик юритувчи субъект.

ВОПРОСЫ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ СУБЪЕКТОВ СРЕДНЕГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Мурадбеков Бобур Нурбекович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье раскрыты понятие среднего бизнеса в Узбекистане и некоторых зарубежных странах, международный опыт, нормы и механизмы налогообложения субъектов среднего предпринимательства.

Ключевые слова: субъекты среднего предпринимательства, средний бизнес, категория, критерий, налог, хозяйствующий субъект.

ISSUES OF TAXATION OF MEDIUM BUSINESS ENTITIES

Muradbekov Bobur Nurbekovich

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article reveals the concept of medium-sized business in Uzbekistan and some foreign countries, international experiences, norms and mechanisms of taxation of medium-sized business entities.

Key words: medium-sized business entities, medium-sized business, category, criterion, tax, economic entity.

Кириш.

Тадбиркорлик ташабbusларининг фаол қўллаб-қувватланиши, келиб чиқаётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича комплекс чоралар кўрилиши натижасида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити яхшиланиб бормоқда. Хусусан, кичик тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш орқали ўрта тадбиркорлик субъектларини шакллантириш ва кенгайтиришга жаҳон иқтисодиёти ва Ўзбекистон иқтисодиётида асосий эътибор қаратилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлари ўзига хос ўрин тутади.

Ўтган мулокотлар давомида тадбиркорлик субъектлари ривожида муҳим аҳамиятга эга бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳисса қўшади, солиқ маъмурчилигини соддалаштиради ва бюрократияни йўқ қилишга, юқори даромадли корхоналарни кўпайишига кўмак беради.

Ўрта бизнес субъектларини солиқча тортиш масалаларига Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сон Қонунида (Қонун, 2023), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-422-сон қарорида (Қарор, 2023), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги «Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-366-сон қарорида (Қарор, 2023) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-193-сон Фармонида (Фармон, 2023) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-21-сон Фармонида алоҳида эътибор берилган (Фармон, 2023).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулокотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сон қарорида ўрта бизнесни барқарор иқтисодий ўсиш гаровига айлантириш белгилаб берилган (Қарор, 2023).

Адабиётлар шарҳи.

Мавзуга оид адабиётларни таҳлил этиш жараёнида мазкур соҳа юзасидан кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ўз илмий ишларида фикрлар бериб ўтишганлиги ўрганилди.

Хорижий иқтисодчи олимларнинг фаолиятини ўрганиш асносида швейцариялик олимлар Amelia Santos-Paulino, Claudia Trentini ва Hamidreza Bakhtiarizadehларнинг (2023) биргалиқдаги Бирлашган миллатлар ташкилотининг Савдо ва ривожланиш Конференцияси (UNCTAD) 2023 йилда нашр этилган “Кичик ва ўрта бизнес интернационализацияси: янги йўналишлар” номли мақоласида, жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг ўрта бизнес субъектларига таъсири ҳақидаги Лю Сяомэйнинг (2014) “Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида кичик ва ўрта бизнес” номли илмий ишида кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, уларни инвестицион маблағлар билан таъминлаш зарурати, муваффақиятсизликка олиб келувчи сабаблар, Россия Федерацияси иқтисодиётидаги кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни ҳақида Юрий Крупновнинг (2024) “Замонавий Россия иқтисодиётидаги кичик ва ўрта бизнеснинг роли тўғрисида”ги мақоласида ўрта бизнеснинг ўрнини аниқлаш бўйича бир қанча мезонлар келтирилган.

Евроосиё иқтисодий комиссиясининг “Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес салоҳиятини очиш учун қулай рақобат муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар тўғрисида ҳисобот”ида 2025 йилгача ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича бир қанча давлатлар кесимида таклифлар берилган (Ҳисобот, 2021).

Вера Баринова ва Степан Земцовларнинг (2019) ҳамкорлиқдаги “Кичик ва ўрта корхоналарнинг миллий иқтисодиётдаги ролини халқаро қиёсий таҳлил қилиш:

статистик тадқиқот” мавзусидаги мақоласида Россия ва бошқа мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналар секторининг ривожланиш даражаси таққосланган.

Ўзбекистон маҳаллий олимларидан профессор Дилдора Таджибаеванинг (2019) Осиё тараққиёт банки тадқиқот институтида нашр этилган “Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш: муаммолар ва имкониятлар” номли мақоласида Ўзбекистон иқтисодиётининг 2030 йилга бориб юқори даромадли мамлакатга айланиш истиқболлари, кичик ва ўрта бизнеснинг глобал иқтисодиёт қиймат занжиридаги ўрни, мавжуд иқтисодий муҳитни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хорижий давлатларда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқقا тортишда қўлланиладиган меъёрлар ва механизмлар ҳақида Қурдатилло Тўхсанов (2020) “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқقا тортишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш истиқболлари” мавзусидаги мақоласида, ўрта бизнес рақобатбардошлигини оширишни рақамли технологиялар асосида трансформация этишга оид профессор Имомназар Турсунов (2023) ўзининг “Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик ва ўрта бизнес рақобатбардошлигини ошириш ва уни бошқариш йўллари” мавзусидаги мақоласида, тадбиркорлик субъектларини солиқقا тортишни такомиллаштиришга оид Нуриддин Отамуродовнинг (2023) “Кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлик субъектларини солиқقا тортишни такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги илмий ишида ўз фикрларини билдиришган.

Хитой халқаро бизнес ва иқтисодиёт универсиети профессори Сяоянг Хоунинг (2023) “Кичик ва ўрта бизнесда рискларни бошқариш” номли мақоласида кичик ва ўрта бизнеснинг Хитой иқтисодий ривожланишидаги ўрни, уларни молиялаштиришдаги қийинчиликлар ва Хитойда амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида сўз юритилган.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақола хорижда ва мамлакатимизда олиб борилаётган ўрта бизнес фаолият муҳитини яхшилашга қаратилган ислоҳотларга оид турли хил ёндошувларни умумлаштирилган ҳолда ўрганилди. Тадқиқот давомида индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик таҳлил, таққослаш ва бошқа усууллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳозирги вақтда Евropa Иттифоқи комиссиясининг тавсиясига кўра Евropa Иттифоқига аъзо 27 давлатда тадбиркорлик субъектлари 2 та факторга асосан тоифаларга ажратилади. Мазкур факторларга тадбиркорлик субъекти иш билан таъминлаган ходимлар сони ва йиллик айланма (ёки асосий воситалар ҳажми) киради. Бунда ўрта тадбиркорлик субъектлари тоифасига кириш учун корхона ишчилари сони 50-250 ходим, йиллик айланмаси 10-50 миллион евро ёки асосий воситалар ҳажми 10-43 миллион евро оралиғида бўлиши талаб этилади.

Юқорида келтирилган 1-жадвалда хорижий давлатлардан Россия, Буюк Британия, Германия, Қозоғистон ва Қирғизистонда тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари келтириб ўтилган. Унга кўра Евropa Иттифоқи давлатларида тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ўхшаш шаклда, бошқа давлатлардан Россия ва Қирғизистонда мезонларнинг миқдорий жиҳатларида фарқлар бўлса, Қозоғистонда йиллик айланма ҳажмига кўра тоифалаш мезони умуман мавжуд эмас.


1-расмда 2022 йил якунлари бўйича Евropa Иттифоқи давлатларида микро, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлар сони, улардаги ходимлар сони ва уларнинг фаолияти натижасида қўшилган қиймати ҳажмлари келтирилган.

1-жадвал

Хорижий давлатларда тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонларининг қиёсий тавсифи¹³¹

Тоифалар Давлатлар	Микро		Кичик		Ўрта		Йирик	
	Ходим сони	Йиллик айланма	Ходим сони	Йиллик айланма	Ходим сони	Йиллик айланма	Ходим сони	Йиллик айланма
Россия	<15	<120 млн рубль	16-100	120-800 млн рубль	101-250	800-2000 млн рубль	>251	>2000 млн рубль
Буюк Британия	<10	<2 млн евро	10-50	2-10 млн евро	50-250	10-50 млн евро	>251	>50 млн евро
Германия	<10	<2 млн евро	10-50	2-10 млн евро	50-250	10-50 млн евро	>251	>50 млн евро
Қозогистон	-	-	<100	-	101-250	-	>251	-
Қирғизистон	<15	<150 минг сом	15-50	150-500 минг сом	51-200	500-2000 минг сом	>200	>2000 минг сом

Мазкур графикда микро тадбиркорлик субъектлар сони бошқа тадбиркорлик субъектлар сонидан бир неча баравар кўпни кўрсатишига қарамай микро тадбиркорлик субъектлар томонидан қўшилган қиймат кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлариники билан деярли ўхшаш натижаларни қайд этишган.



1-расм. 2022 йил якунлари бўйича Европа Иттифоқи давлатларида микро, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлар динамикаси таҳдили¹³²

Шунингдек, яна бир муҳим жиҳатлардан бири ўрта тадбиркорлик субъектлар томонидан ишга жалб қилинган ходимлар сони қолган тадбиркорлик субъектлариникидан анча кам бўлишига қарамай ўрта тадбиркорлик субъектлари томонидан қўшилган қиймат бошқа тадбиркорлик субъектлариники билан ўзаро ўхшаш бўлган.

¹³¹ Россия, Буюк Британия, Германия, Қозогистон, Қирғизистон давлат расмий сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган.

¹³² Европа Иттифоқи комиссиясининг Кичик ва ўрта бизнес бўйича 2022 йил якунлари йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган.

Ўрта бизнес Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим бўғини бўлишига қарамай, унинг жадал ўсиши учун шароитлар ҳали етарли даражада эмас. Шу боис, кичик бизнесдан ўрта бизнесга ўтиш истагида бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича янгича ёндашувлар йўлга қўйилса, бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд жамғармаларнинг фаолияти ҳам, иш услублари ҳам тубдан ўзгаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармонида тадбиркорлик субъектларини қўйидаги мезонлар асосида тоифаларга ажратилган:

а) кичик тадбиркорлик субъектлари:

якка тартиbdаги тадбиркорлар;

микрофирмалар — таъсисчилари (иштирокчилари) жисмоний шахслар бўлган ҳамда жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

кичик корхоналар — жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлган ҳамда ушбу кичик банднинг учинчи хатбошисидаги таъсисчилари (иштирокчилари) юридик шахслар бўлган тадбиркорлик субъектлари;

б) ўрта тадбиркорлик субъектлари — жами даромади календарь йил давомида 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

в) йирик тадбиркорлик субъектлари — жами даромади календарь йил давомида 100 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари (Фармон, 2023).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармонида келтирилган мезонлар асосида тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратилиши (Фармон, 2023)


2023 йил якунига кўра Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ўрта тадбиркорлик субъектлари сони 16 082 тани ташкил этган. Мазкур тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган товар айланмаси 371,59 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, улар томонидан амалга оширилган солиқ тўловлари миқдори 18,66 трлн. сўмни ташкил этган экан. Бундан ташқари мазкур тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчиликда белгиланган 9,38 трлн. сўм солиқ имтиёзларидан фойдаланилган.

2-жадвал

2023 йил якунига кўра Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ўрта тадбиркорлик субъектлари фаолият натижалари тўғрисида таҳлилий маълумотлар¹³³

Мавжуд ўрта тадбиркорлик субъектлари сони:		
16 082		
Уларнинг товар айланмаси (млрд. сўм):	Улар томонидан тўланган солиқлар миқдори (млрд. сўм):	Улар томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари миқдори (млрд. сўм):
371 594,1	18 661,0	9 381,3

З-расмдан 2023 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган 16 082 та ўрта тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган энг юқори миқдорни КҚС тўловлари (6,17 трлн. сўм) ва солиқ имтиёзлари (6,77 трлн. сўм) ташкил этганини кўришимиз мумкин.



З-расм. Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда фаолият юритган ўрта тадбиркорлик субъектларининг солиқ тўловлари ва солиқ имтиёзлари тўғрисида таҳлилий маълумотлар (млрд. сўмда)[19]

Шунингдек, кейинги энг юқори миқдорларни солиқ тўловлари ва солиқ имтиёзлари бўйича фойда солиғи (мос равишта 3,46 трлн. сўм ва 1 097,1 млрд. сўм) ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи(мос равишта 3,09 трлн. сўм ва 195,8 млрд. сўм) ташкил этган.

¹³³ Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган.

Хулоса ва таклифлар.

Яқуний хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда ўрта бизнесни ривожлантириш турли муаммоларга дуч келмоқда. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда тадбиркорлик мухитини яхшилаш йўлида қонунчилик асослари ва молиявий кўмак мухим ўрин тутиши, уларнинг иқтисодий тараққиётни рағбатлантириши ва барқарор ривожланиш учун мустаҳкам пойдевор яратиши мумкин экан. Ўрта бизнес ҳам бошқа турдаги тадбиркорлик субъектлари сингари тадбиркорликнинг ривожланиши, янги иш ўринларининг ташкил этилиши, фуқароларнинг ихтиёрдаги даромадлари ошиши ва уларнинг фаровон яшашини таъминлашга алоҳида ҳисса қўшиши мумкин экан.

Адабиётлар /Литература / Reference:

Amelia U. Santos-Paulino, Claudia Trentini ва Hamidreza Bakhtiarizadeh. (2023) «Кичик ва ўрта бизнес интернационализацияси: янги ўйналишлар». UNCTAD. Number 2. Volume 30.

Вера Баринова, Степан Земцов (2019) "Кичик ва ўрта корхоналарнинг миллий иқтисодиётдаги ролини халқаро қиёсий таҳлил қилиш: статистик тадқиқот", Research Gate.

И момназар Турсунов (2023), "Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик ва ўрта бизнес рақобатбардошлигини ошириш ва уни бошқариш йўллари", Инновацион иқтисодиёт, Number 3.

Қарор (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-292-сон қарори.

Қарор (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-422-сон қарори.

Қарор (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги «Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-366-сон қарори.

Қонун (2023) Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий ўйналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-891-сон Қонуни.

Лю Сяомэй (2014) "Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида кичик ва ўрта бизнес", Вестник Гомельского государственного технического университета им. П.О. Сухого, Number 2.

Нуриддин Отамуродов (2023), "Кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлик субъектларини солиқقا тортишини тақомиллаштириш йўллари", Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил, Number 2.

Сяоянг Хоу (2023) «Кичик ва ўрта бизнесда рискларни бошқариш».

Таджибаева Д. (2019) Осиё тараққиёт банки тадқиқот институтида нашр этилган «Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш: муаммолар ва имкониятлар». Asian Development Bank Institute.

Тўхсанов К.Н. (2020) Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқقا тортишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш истиқболлари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар", Number 6.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-куватлаш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-193-сон Фармони.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-21-сон Фармони.

Ҳисобот (2021) Евроосиё иқтисодий комиссияси, “Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес салоҳиятини очиш учун қулай рақобат муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар тўғрисида ҳисобот”.

Юрий Крупнов (2024) “Замонавий Россия иқтисодиётидаги кичик ва ўрта бизнеснинг роли тўғрисида”, Вестник Евразийской науки, Number 1. Volume 16.